

Ўзбекистон Республикаси Номидан
Ҳ У К М

2026 йил январь ойининг 22-куни, жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар суди, ўз биносида, видеоконференц-алоқа режимидаги очик суд мажлисида, раислик қилувчи судья М.Мирзабобоев, судья ёрдамчиси А.Комиловнинг котиблигида, тарафлардан Марғилон шаҳар прокурори катта ёрдамчиси М.Эргашев, судланувчи Р.Солиев ва унинг ҳимоячиси – “LEGAL AID” адвокатлар ҳайъати адвокати Х.Абдуназарова, фуқаровий даъвогар Д.Қўчқорбоевнинг иштирокида, Солиев Рауфжон Расуловичга нисбатан 1-1505-2501/218-сонли бирлаштирилган жиноят ишларини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Солиев Рауфжон Расулович (Soliyev Raufjon Rasulovich), 1990 йил 7 апрель куни Ўзбекистон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, икки нафар фарзанди бор, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Қўштепа туман ва Марғилон шаҳар бўлимлари бошлиғи лавозимида ишлаган, муқаддам судланмаган, Фарғона шаҳар, Маърифат маҳалла фуқаролар йиғини, А.Навоий кўчаси, 11^А-уй, 19-хонадонда яшаган, иш бўйича “қамокқа олиш” эҳтиёт чораси қўлланилиб, 2025 йил 11 августдан қамокда сақланмоқда, айблов ҳулосалари нусхаларини 2025 йил 30 август, 16 сентябрь ва 10 декабрь кунлари олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а,г” бандлари, 168-моддаси 3-қисми “б,в” бандлари, 206-моддаси 2-қисми “а” банди, 209-моддаси 2-қисми “а” банди, 228-моддаси 2-қисми “а” банди ва 228-моддаси 3-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Солиев Рауфжон Расулович 2022 йил февраль ойидан 2023 йилнинг август ойига қадар Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Тошлоқ туман бўлими бошлиғи ўринбосари-фуқароларга хизмат кўрсатиш шўъба мудирини лавозимида ишлаб келиб, жами 25 нафар фуқароларнинг зарарли касбларда ишлаганлик фактини тасдиқловчи, яъни муайян ҳуқуқ берадиган расмий ҳужжат ҳисобланадиган фуқаролик ишлари бўйича Марғилон туманлараро судининг ҳал қилув қарорларини қасддан сохталаштириш орқали фуқароларга умумий белгиланган ёшни 10 йилгача қисқартирилган ҳолда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқини қўлга киритишига ёрдам бергани оқибатида,



жами 859,1 млн. сўм миқдордаги Жамғарма маблағларини ноқонуний тўланишига сабаб бўлган.

Бундан ташқари, Р.Солиев 2022-2023 йиллар давомида хизмат вазифасини бажариш жараёнида, 2022 йил февраль ойида пенсия тайинлаш масаласида мурожаат қилган Я.Ахмадалиевнинг 340 минг сўм;

такроран, 2022 йил февраль ойида пенсия тайинлаш масаласида мурожаат қилган А.Маматқуловнинг 340 минг сўм;

такроран, 2022 йил апрель ойида пенсия тайинлаш масаласида мурожаат қилган Р.Матёқубовнинг 340 минг сўм;

такроран, 2022 йил апрель ойида пенсия тайинлаш масаласида мурожаат қилган З.Тургуновнинг 340 минг сўм;

такроран, 2022 йил апрель ойида пенсия тайинлаш масаласида мурожаат қилган А.Маллабоевнинг 600 минг сўм;

такроран, 2022 йил июнь ойида пенсия тайинлаш масаласида мурожаат қилган Д.Шералиевнинг 500 минг сўм;

такроран, 2022 йил август ойида пенсия тайинлаш масаласида мурожаат қилган С.Косимовнинг 340 минг сўм;

такроран, 2022 йил октябрь ойида пенсия тайинлаш масаласида мурожаат қилган Р.Ашуровнинг 340 минг сўм;

такроран, 2023 йил январь ойида пенсия тайинлаш масаласида мурожаат қилган А.Аскароровнинг 320 минг сўм;

такроран, 2023 йил февраль ойида пенсия тайинлаш масаласида мурожаат қилган М.Холматовнинг 340 минг сўмдан иборат пулларини уларнинг ишончига кириб, улардан давлат божи ва адвокат хизмати учун деб ёлғон маълумот бериб, алдов йўли билан, хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда ўзининг хизмат биносида қўлга киритиб, ушбу пулларни ўз шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юборган.

Бундан ташқари, Р.Солиев фуқаро Х.Давлатшоева муддатидан олдин пенсияга чиқа олмаганлиги, тегишли тартибда фуқаролик ишлари бўйича судларга мурожаат қилса муддатидан олдин пенсияга чиқиши мумкин эканлигидан хабар топиб, 2023 йил январь ойида расмий ҳужжат ҳисобланган муайян ҳуқуқ берадиган фуқаролик ишлари бўйича Марғилон туманлараро судининг 2023 йил 20 январдаги 2-1504-2301/78-сонли фуқаро Х.Давлатшоевани Қувасой шаҳар юқумли касалликлар шифохонасида 1999 йил 12 августдан 2004 йил 8 июлга қадар ҳамда Фарғона шаҳар болалар мурувват уйида 2004 йил 4 январдан 2014 йил 29 октябргача хона санитаркаси ҳамда санитар энага вазифасида ишлаганлиги фактини белгилаш ҳақидаги ҳал қилув қарорини қасддан сохталаштириб, ушбу қарорни сохта эканлигини Х.Давлатшоева ҳамда бошқаларга айтмасдан Қувасой шаҳар пенсия бўлимига такдим қилиб, фуқаро Х.Давлатшоевага имтиёзли асосларда муддатидан илгари пенсия тайинлашга эришган.

Бундан ташқари, Р.Солиев Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Қўштепа туман ва Марғилон шаҳар бўлими бошлиғи лавозимларида ишлаб, пенсия, компенсация ва бошқа тўловларни тўғри тайинлаш, жамғарма



маблағларидан қатъий мақсадли фойдаланиш жавобгарлиги юклатилган мансабдор шахс бўлгани ҳолда, бўлим бошлиғи ўринбосарлари ва мутахассислари томонидан ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган “ПК пенсия” дастуридаги логин-паролларини жамғарма маблағларини компьютер техникаси воситаларидан фойдаланган ҳолда растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш мақсадида қўлга киритиб, 2023 йил август ойидан 2025 йил январь ойига қадар пенсия тўлови тайинланишини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган фуқароларнинг иш стажи ва иш ҳақи маълумотларини асоссиз ҳисоблаб, уларни дастурга киритиб, амалда пенсия олишга ҳуқуқи бўлмаган шахсларга бирон-бир тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмагани ҳолда асоссиз иш стажи ва иш ҳақи маълумотларини кўшиб ёзиб, пенсия тайинлаб, жами 1.349.945.355,99 сўм миқдордаги унга ишониб топширилган ва ихтиёрида бўлган жуда кўп миқдордаги Жамғарманинг маблағларини компьютер техникаси воситаларидан фойдаланган ҳолда растрата қилиш йўли билан талон-торож қилган.

Бундан ташқари, Р.Солиев Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Қўштепа туман бўлими бошлиғи лавозимида ишлаган даврида, мансаб ваколоти доирасидан четга чиқиб, ўзи раҳбарлигидаги бўлим орқали Ўзбекистон тумани, Фарғона шаҳри, Ёзёвон тумани, Тошлоқ туманида яшовчи фуқароларга, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Марғилон шаҳар бўлими бошлиғи лавозимида ишлаган даврида, мансаб ваколоти доирасидан четга чиқиб, ўзи раҳбарлигидаги бўлим орқали Тошлоқ туманида яшовчи фуқароларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 13 октябрдаги 592-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг пенсия тайинлашни сўраб мурожаат этиш - шахснинг яшаш жойи бўйича амалга оширилиши ҳақидаги талабига зид равишда асоссиз ёшга доир пенсия тайинлаши натижасида давлат манфаатларига 647.639.800 сўмлик жуда кўп миқдорда зарар етказган.

Судланувчи Р.Солиев суд мажлисида, ўзига эълон қилинган айбловга қисман иқдор бўлиб, ҳақиқатдан ҳам 2014 йилдан 2019 йилга қадар Фарғона шаҳар Пенсия бўлимида, 2019 йил май ойидан бошлаб, 2 ой давомида Марғилон шаҳар пенсия бўлимида, 2019 йил июль ойидан 2022 йил февраль ойига қадар Тошлоқ тумани пенсия бўлимида мутахассис, 2022 йил февраль ойидан 2023 йил август ойига қадар бошлиқ ўринбосари, 2023 йил 22 августдан 2025 йил 23 январь кунига қадар Қўштепа туман бўлимида, 2025 йил 23 январдан 2025 йил 21 апрелга қадар Марғилон шаҳар бўлими бошлиғи лавозимида ишлагани, лавозим йўриқномаси билан танишиб чиққани, унда бўлимга умумий раҳбарлик қилиши, ходимлар ўртасида ижро интизомига риоя этилишини таъминлаш, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ пенсия, компенсация ва бошқа тўловларни тўғри тайинлаш, жамғарма маблағларидан қатъий мақсадли фойдаланиш ва бошқалар киргани, ҳақиқатдан ҳам 2023 йил 22 августда Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Қўштепа туман бўлими бошлиғи лавозимида тайинланганига қадар Тошлоқ туман бўлими бошлиғи ўринбосари-фуқароларга хизмат кўрсатиш шўъба мудири лавозимида ишлагани,



жамғарманинг вилоят бошқармаси мутахассислари томонидан Қўштепа туман ва Марғилон шаҳар бўлимида пенсия тўловларини ҳаққонийлиги ўрганилгани, ўрганиш давомида, фуқароларнинг иш стажи ва иш ҳақи маълумотларини асоссиз ҳисоблаб, амалда пенсия олишга ҳуқуқи бўлмаган ёки бирон бир тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган шахсларга асоссиз иш стажи ва иш ҳақи маълумотларини кўшиб ёзилгани, ушбу фуқароларга ёшга доир пенсия тайинлаш жараёнида фуқароларни бирламчи ҳужжатлари бўлгани, аммо ҳақиқатда ишлаган иш стажи ва иш ҳақи бўйича уларни ёшга доир пенсияга чиқариш имконсиз бўлгани, уларга пенсия тайинлаш учун қўшимча ҳужжатлар, архив маълумотномалари, иш жойидан олинган маълумотлар талаб этилиши, бирламчи тақдим этилган ҳужжатлар бўйича пенсия иши рад этилиши лозим бўлгани, жамғарманинг Қўштепа туман бўлимида раҳбар бўлган вақтида, бўлимда унга тўғридан-тўғри бўйсунувчи бўлим бошлиғи ўринбосари-фуқароларга хизмат кўрсатиш шўъба мудири И.Бозоров, бўлим мутахассислари Б.Қосимов, О.Нематуллаев ва Ж.Қирғизовнинг “ПК пенсия” дастуридаги логин-паролларини олгани, ходимлари иш вақти тугаганидан сўнг, кетишганида унга аввалдан таниш бўлган ёки биринчи мартаба кўришиб гаплашган ва ёшга доир пенсияга чиқиш бўйича ҳужжатларни тайёрлашда етарли билимлари бўлмаган шахсларни (пенсионерларни) пенсияга чиқишида ёки пенсия ҳужжатларини тайёрлаб бериш бўйича илтимосларига асосан уларни ҳужжат ишлари билан сарсон бўлмасликлари сабабли ўзида мавжуд бўлган бўлим ходимларининг логин ва паролларидан фойдаланиб, қўшимча иш стажи ва иш ҳақи кўшиб ёзиб, уларни “ПК пенсия” дастурига кириб, ёшга доир пенсия тайинлаб юборгани, ушбу фуқароларни бирортаси ундан моддий манфаат эвазига кўпроқ пенсия тайинлаб беришни сўрамагани, ушбу фуқароларнинг бирортасига ҳам пенсия асоссиз ва ноқонуний йўллар билан чиқарилмагани, Қўштепа туман ва Марғилон шаҳар бўлими орқали асли Ўзбекистон, Тошлоқ, Ёзёвон туманлари ва Фарғона шаҳрида доимий рўйхатда туриб яшовчи аввалдан таниш бўлган фуқароларга асоссиз ёшга доир пенсия тайинлагани, улар пенсияга чиқиш учун зарурий ҳужжатларни тайёрлашда ёрдам сўрашгани, лекин у ҳеч қандай моддий наф қўрмасдан уларга пенсия тайинлаб келгани, 2025 йил 23 январдан 2025 йил 21 апрелга қадар жамғарманинг Марғилон шаҳар бўлими бошлиғи лавозимида тайинланганида ҳам бўлимдаги ходимларнинг “ПК пенсия” дастуридаги логин ва паролларини жамлаб олиб, фуқароларга асоссиз ёшга доир пенсия тайинлагани, ўтган давр мобайнида пенсия ишлари тўхтатилган фуқаролар томонидан тақдим этилган қўшимча ҳужжатларга асосланган ҳолда, фуқароларнинг тўхтатилган пенсия пуллари қисман ёки тўлиқ тиклангани, лекин пенсия пуллари тикланмаган шахслар ҳам бўлгани, натижада ушбу фуқароларга жами 1.349.945.355,99 сўм миқдорида жамғарма маблағларидан тўлаб келингани аниқлангани, шунингдек, 2022 йил ноябрь ойида таниши И.Ганиев қариндоши бўлган Х.Давлатшоева Қувасой шаҳар Юкумли касалликлар шифохонасида ҳамда Фарғона шаҳар Болалар мурувват уйида имтиёзли шартлар асосида муддатидан олдин пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи лавозимларда ишлагани, у муддатидан олдин пенсияга чиқиш учун Қувасой шаҳар пенсия бўлимига муурожаат қилгани,



лекин муддатидан олдин пенсияга чиқа олмагани сабабли ундан ёрдам сўраб келгани, Х.Давлатшоева пенсия бўлимида ишлагани сабабли унинг ҳужжатларини кўриб беришини, агар иложи бўлса ёрдам беришини айтгани, сўнг И.Ганиевда турган Х.Давлатшоевнинг пенсияга чиқиши учун тўплаган ҳужжатларини кўргани, ушбу ҳужжатларда Х.Давлатшоева Қувасой шаҳар Юқумли касалликлар шифохонасида ҳамда Фарғона шаҳар Болалар мурувват уйида имтиёзли шартлар асосида муддатидан олдин пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи лавозимларда ишлагани кўрсатилгани, И.Ганиевга Х.Давлатшоевнинг номидан фуқаролик судига ариза беришини, Х.Давлатшоева суд чақирганда судга келиб кетишини айтганини, лекин у Х.Давлатшоевнинг номидан фуқаролик судига ариза бермасдан, уни Қувасой шаҳар юқумли касалликлар шифохонасида

1999

йил

12 августдан 2004 йил 8 июлга қадар ҳамда Фарғона шаҳар болалар мурувват уйида 2004 йил 4 январдан 2014 йил 29 октябргача хона санитаркаси ҳамда санитар энага вазифасида ишлагани фактини белгилаш ҳақидаги фуқаролик ишлари бўйича Марғилон туманлараро судининг ҳал қилув қарорини хизмат хонасида ёзиб тайёрлагани, сўнг ушбу ҳал қилув қарорини электрон почта орқали Қувасой шаҳар пенсия бўлимига юборгани, қарорни юборгандан сўнг И.Ганиевга қўнғироқ қилиб, Х.Давлатшоева Қувасой шаҳар пенсия бўлимига бориб учраши ҳақида айтгани, у Х.Давлатшоева ҳақиқатдан ҳам имтиёзли шартлар асосида муддатидан олдин пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи лавозимларда ишлагани учун ҳал қилув қарори тайёрлагани, сўнг ушбу қарор сохта эканини ҳеч кимга айтмагани, бундай ташқари, жамғарманинг Тошлоқ туман бўлимида 2019 йил 24 июль кунидан бошлаб 2023 йил 22 август кунига қадар бошлиғи ўринбосари ҳамда шўъба мудирини сифатида ишлаб келгани, жамғарманинг Фарғона вилоят бошқармаси томонидан тасдиқланган режа-графикка ҳамда бошқарманинг 2025 йил 12 февралдаги 26-М-сонли буйруғига кўра, Тошлоқ туман бўлимида 2021-2024 йиллар давомида фуқароларга тайинланган, қайта ҳисобланган ва тўлови амалга оширилган пенсия ишлари қонунийлиги ишчи гуруҳи томонидан танлов асосида текширув ўтказилгани, текширув давомида бўлим томонидан унинг иштирокида ва назорати бўлган жами 23 та ҳолатда қонунчилик талаблари бузилиб, жами 827.348.053 сўм миқдоридаги бюджет маблағлари ортиқча тўланишига йўл қўйилгани аниқлангани, шунингдек, 2025 йил июнь ойида ҳам ўтказилган ўрганишда, яна 2 та ҳолатда 31.785.077,4 сўм миқдорида ортиқча тўловлар амалга оширилгани аниқлангани, у 25 нафар фуқарога пенсия ва нафақа олиш ҳуқуқини яратиш мақсадида суд қарорлари ва ижро ҳужжатларини сохталаштирилгани, лекин фуқаролардан ҳеч қандай пул маблағлари олмагани, ушбу сохта ҳужжатларни 2022-2023 йиллар давомида ишхонасидаги хизмат компьютерида тайёрлагани, ҳозирда фуқароларга адвокат хизмати харажатлари ёки бошқа важлар билан қанча миқдорда пул олганини эслай олмаслигини, ҳозирда қилган ишидан пушаймонлиги, вояга етмаган фарзандлари борлигини инобатга олиб, суддан ўзига нисбатан енгиллик берилишини сўради.

Судланувчи Р.Солиев ўзига эълон қилинган айбловга қисман иқроп бўлиб, кўрсатув берган бўлса-да, унинг юқоридаги жиноятни содир



этганликдаги айби, суд мажлисида текширилган ва жиноят ишида мавжуд қуйидаги далиллар билан тасдиқланади, жумладан:

- фуқаровий даъвогар Д.Қўчқорбоевнинг суддаги, ҳақиқатдан ҳам у жамғарманинг Фарғона вилоят бошқармаси ички назорат, пенсия ва бошқа тўловларни тайинлаш мониторинги шўъбаси бош мутахассиси лавозимида ишлаб келиши, Солиев Рауфжон Расулович 2023 йил 22 августдан 2025 йил 23 январь кунига қадар жамғарманинг Қўштепа туман бўлимида ҳамда 2025 йил 23 январдан 2025 йил 21 апрелга қадар Марғилон шаҳар бўлими бошлиғи лавозимида ишлагани, Р.Солиев лавозим йўриқномасига асосан пенсия, компенсация ва бошқа тўловларни тўғри тайинлаш, жамғарма маблағларидан қатъий мақсадли фойдаланиш жавобгарлиги юклатилган мансабдор шахс бўлгани, 2025 йил март-апрель ойларида жамғарманинг Фарғона вилоят бошқармаси томонидан Қўштепа тумани ва Марғилон шаҳар бўлимида сўнги 3 йилликда тайинланган ва қайта ҳисобланган пенсия ишлари асослиги ўрганилгани, ўрганиш давомида 2023-2025 йиллар мобайнида Қўштепа туман бўлими томонидан 54 та ҳолатда ҳамда Марғилон шаҳар бўлимида 7 та ҳолатда фуқароларга ёшга доир пенсия тайинлаш ишларида асоссиз иш стажлари ва иш ҳақи маълумотлари киритилгани, натижада 657.000.000 сўмлик асоссиз пенсия тўловлари амалга ошириб келингани аниқлангани, шунингдек, кейинчалик такроран ўтказилган ўрганишда жамғарманинг Қўштепа туман бўлими томонидан тайинланган 17 та ва 19 та ҳолатларда фуқароларга ёшга доир тайинлашда асоссиз иш стажлари ва иш ҳақи маълумотлари киритилгани аниқлангани, натижада фуқароларга 363.889.000 сўм асоссиз жамғарма маблағлари тўлаб келингани аниқлангани, жамғарманинг Қўштепа туман бўлимида тайинланган пенсия ишларида ҳудудийлик принципи бузилгани ҳолда асли Ўзбекистон туманида, Фарғона шаҳрида, Ёзёвон туманида ва Тошлоқ туманида яшовчи фуқароларга асоссиз ёшга доир пенсия тайинланиб, тўлов амалга ошириб келингани, жамғарманинг Марғилон шаҳар бўлимида ўтказилган ўрганишда, 2025 йил январь ойидан 2025 йил апрель ойига қадар бўлган даврда 22 та ҳолатда фуқароларга ёшга доир пенсия тайинлаш жараёнида асоссиз иш стажлари ва иш ҳақи маълумотлари киритилгани, натижада фуқароларга жамғарманинг 328.000.000 сўмлик маблағлари асоссиз тўлаб келингани аниқлангани, Р.Солиев томонидан жамғарма манфаатларига

жами 1.349.945.000 сўм зарар етказилгани, ўтган давр мобайнида жамғарма ҳисобига 224.328.400 сўм ундирилгани, ушбу миқдорнинг 138.357.500 сўми ҳисобдан чиқариш орқали ҳисоблангани, жамғарма манфаатларига етказилган зарардан 902.481.889 сўми қопланмагани, ҳозирда етказилган зарар ундириш чоралари кўриляётгани ҳақидаги;

- гувоҳ И.Бозоровнинг суддаги, у Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Қўштепа туман бўлими бошлиғи ўринбосари-фуқароларга хизмат кўрсатиш шўъбаси мудури лавозимида 2016 йилдан 2025 йилнинг август ойига қадар ишлагани, хизмат вазифасини бажариши учун унга “ПК пенсия” дастурига кириш логин ва пароли берилгани, Р.Солиев ҳам 2023 август ойида жамғарманинг Қўштепа туман бўлими бошлиғи лавозимига тайинлангани ва



комиссия раиси бўлгани, Р.Солиев Қўштепа туман бўлимида бошлиғи лавозимида ишлаган даврда у ўринбосар лавозимида ишлагани, у туман иқтисодий комплекс раҳбарларининг топшириқларини бажариш бўйича сафарбар этилгани, пенсия бўлимида иш тўхтаб қолмаслиги учун “ПК пенсия” дастуридаги логин ва паролларини Р.Солиев олгани, Р.Солиев логин ва паролларидан ноқонуний мақсадларда фойдаланиши ҳақида билмагани, 2025 йил март-апрель ойларида жамғарманинг Фарғона вилоят бошқармаси томонидан Қўштепа туман бўлими ва Марғилон шаҳар бўлимида ўрганиш ўтказилгани, ўрганишлар давомида дастлаб, 54 та ҳолатда, сўнг 17 ва 19 та ҳолатларда Қўштепа туман бўлими томонидан тайинланган ёшга доир пенсия ишларида асоссиз иш стажи ва иш ҳақи маълумотлари кириш орқали пенсия тайинлаб юборилгани аниқлангани, тайинланган асоссиз пенсия ишлари комиссия таркибида бўлганини текширишлардан сўнг билгани, лекин у пенсия ишларида иштирок этмагани, пенсия ишларини унинг логин ва паролидан Р.Солиев ўзи тасдиқлаб келгани, унинг логин ва пароли орқали асоссиз тасдиқланган пенсия ишларидаги фуқароларни танимаслиги ҳақидаги;

- гувоҳ И.Абдулазизовнинг суддаги, 2024 йилдан буён жамғарманинг Олтиариқ туман бўлими етакчи мутахассиси лавозимида ишлаб келгани, жамғарманинг Фарғона вилоят бошқармаси бошлиғининг буйруғи билан Марғилон шаҳар прокуратураси иш юритувидаги жиноят иши доирасида мутахассис сифатида жалб қилингани, жамғарманинг Қўштепа туман бўлимида ўрганиш ўтказгани, муқаддам ўтказилган ўрганишларда 54 та ҳолатда фуқароларнинг иш стажи ва иш ҳақи ҳужжатлари бўлмасдан туриб, ёшга доир пенсия тайинланиши натижасида 640.938.024,56 сўм миқдорида ортиқча тўловларга йўл қўйилгани аниқлангани, қўшимча ўрганиш давомида ҳам ушбу фуқаролар томонидан қўшимча ёки бошқа асословчи ҳужжатлар тақдим этилмагани, масалан: фуқаро Ф.Охунов 2024 йил 28 сентябрда жамғарманинг Қўштепа туман бўлимига ёшга доир пенсия тайинлаш ҳақида ариза билан мурожаат қилгани, бўлим томонидан фуқаронинг иш стажини тасдиқловчи бирор бир ҳужжат бўлмаса-да, фуқаро 24 йил 9 кун иш стажи ва 2.801.700 сўм ўртача иш ҳақи билан 2024 йил 28 февралдан ёшга доир пенсияга чиқарилиб, ўрганиш кунига қадар 12.669.660 сўм миқдорида аслида ҳуқуқи бўлмаган пенсия пулларини олиб келгани аниқлангани, шунингдек ўрганишлар давомида 16 та ҳолатда 139.621.074,2 сўм миқдорида ортиқча тўловлар аниқлангани, бунга аксарияти фуқароларнинг иш ҳақи ва стажлари асоссиз ҳисоблангани сабаб бўлгани, бундай ташқари фуқаро О.Қурбонбоева 2024 йил 31 майда ёшга доир пенсия тайинлаш ҳақида жамғарманинг Қўштепа туман бўлимига мурожаат қилгани, бўлим томонидан фуқаронинг иш стажи ва иш ҳақини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаса-да, асоссиз пенсия тайинлангани, ўрганиш кунига қадар 8.669.900 сўм асоссиз тўловга йўл қўйилгани, яна 11 та ҳолатда 103.462.005 сўм миқдорида асоссиз тўловлар аниқлагани, ушбу ҳолатларда ҳам фуқароларнинг иш стажи ва иш ҳақини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмасдан туриб, асоссиз иш ҳақи ва иш стажлари ҳисоблангани, улар орасида аслида бошқа туман-шаҳар ҳудудида яшовчи фуқаролар бўлгани, аслида Ўзбекистон туманида яшовчи фуқаро Ю.Рахмоновага Қўштепа туман бўлими томонидан 20



йил иш стажи билан 2024 йил 31 майдан пенсия тайинланиб, ўрганиш кунига қадар аслида ҳуқуқи бўлмаган 8.902,500 сўм асоссиз тўловлар амалга оширилгани, фуқаронинг пенсия иши Ўзбекистон туман бўлимига кўчирилгани, Кўштепа туман бўлими томонидан 2023-2024 йилларда аслида иш ҳақи ва иш стажини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган жами 62 нафар фуқароларга асоссиз ёшга доир пенсия тайинлаб юборилгани аниқлангани ҳақидаги;

- гувоҳ А.Умаровнинг суддаги, у 2015 йилдан буён Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси тизимида ишлашини, 2023 йил 17 мартдан буён Марғилон шаҳар бўлими бош мутахассиси лавозимида ишлаб келиши, Р.Солиев 2025 йил 23 январдан Марғилон шаҳар бўлими бошлиғи лавозимига тайинлангани ва комиссия раиси бўлгани, 2025 йил январь ойларида ҳар ойлик тўловга тақдим этиладиган пенсионерлар рўйхатида хато ёки камчиликлар бўлган тақдирда, бўлим бошлиғи томонидан тўғрилаш ва юқори ташкилотлар томонидан берилган топшириқларни бажариш имкони бўлиши важи билан Р.Солиев бўлимдаги ходимларни “ПК пенсия” дастуридаги логин ва паролини олгани, Р.Солиев бўлим бошлиғи бўлгани сабабли “ПК пенсия” дастуридаги логин ва паролларини ишониб топширишгани, 2025 йил март-апрель ойларида жамғарманинг Фарғона вилоят бошқармаси томонидан Марғилон шаҳар бўлимида ўрганиш ўтказилгани, ўрганиш ишларида дастлаб 7 та, сўнг 22 та ҳолатда ёшга доир пенсия ишлари тайинлашда асоссиз иш стажи ва иш ҳақи маълумотлари киритилгани ҳамда пенсия тайинлаб юборилгани аниқлангани, асоссиз тайинланган пенсия ишларининг 20 тасида унинг логин ва паролидан фойдаланилгани, асоссиз ёшга доир пенсия тайинланган фуқароларни танимаслиги, ушбу пенсия ишларини у тайёрламагани ҳақидаги;

- гувоҳ Х.Давлатшоевнинг видеоконферен-алоқа режими орқали суддаги, у 1996 йилдан 2004 йилга қадар Қувасой шаҳар юқумли касалликлар шифохонасида кичик тиббий ходим санитарка бўлиб, 2004 йилдан 2014 йилга қадар Фарғона шаҳрида жойлашган “Мурувват уйи”да энага бўлиб ишлагани, ушбу лавозимлар имтиёзли шартлар асосида муддатидан олдин пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи лавозимлар экани, 2022 йил ноябрь ойида у муддатидан олдин пенсияга чиқмоқчи бўлиб Қувасой шаҳар пенсия бўлимига мурожаат қилгани, пенсия бўлими ходими унга муддатидан олдин пенсияга чиқиши учун керак бўладиган ҳужжатларни иш жойидан олиб келиб беришини сўрагани, шундан сўнг Қувасой шаҳар Юқумли касалликлар шифохонасидан ва Фарғона шаҳар Мурувват уйидан ишлаганлиги тўғрисида ҳужжатларни олиб келиб пенсия бўлими ходимига бергани, лекин пенсия бўлими ходими унга ушбу ҳужжатлар билан муддатидан олдин пенсияга чиқа олмаслигини, фуқаролик судига мурожаат қилиши ёки пенсия ёшига етган вақтида қайта мурожаат қилиши мумкинлигини айтгани, орадан 1 ҳафта ўтиб у қариндоши И.Ганиевнинг олдига бориб, пенсия бўлими ходими айтган гапларни айтиб, шу ишда ёрдам беришини сўрагани, И.Ганиев унга Фарғона вилояти пенсия бошқармасида ишловчи Р.Солиев исмли таниши борлигини, унга ҳужжатларини кўрсатиб кўришини айтгани, сўнг И.Ганиевдан нима бўлганини сўраганида И.Ганиев унга Р.Солиев ҳужжатларини кўриб чиққанини, унга



муддатидан олдин пенсия тайинласа бўлишини, бунинг учун Р.Солиев фуқаролик судига ариза бергани, суд чақирса Марғилон шаҳрида жойлашган фуқаролик судига боришини айтганини, лекин уни ҳеч ким судга чақирмагани, 2023 йил февраль ойида И.Ганиев унга кўнғироқ қилиб, Қувасой шаҳар пенсия бўлимига боришини, пенсия иши бўйича фуқаролик судининг ҳал қилув қарорини почта орқали бериб юборганликларини айтгани, шундан сўнг у Қувасой шаҳар пенсия бўлимига боргани, ушбу қарорга асосан унга 2023 йил 28 февралда муддатидан олдин пенсия тайинлангани, 2025 йил май ойида Қувасой шаҳар пенсия бўлимида ишловчи ходим унга кўнғироқ қилиб, унга муддатидан олдин пенсия тайинлашга асос бўлган суднинг ҳал қилув қарори сохта бўлиб чиққанини, шу сабабдан пенсияси тўхтатиб турилишини, шу кунгача у олган 36.000.000 сўм пенсия пуллари унга нотўғри берилганини айтгани, бу ҳақида И.Ганиевга айтгани, И.Ганиев Р.Солиев билан гаплашганда ҳал қилув қарорига “QR” кодини қўймасдан хато қилиб қўйганини айтгани ҳақидаги;

- гувоҳ М.Нураҳуновнинг суддаги, у 2022 йил август ойидан буён жамғарманинг Қувасой шаҳар пенсия бўлимида ишлашини, унинг хизмат вазифаларига пенсия тайинлашни сўраб мурожаат қилган фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ва ушбу мурожаатлар бўйича пенсия тайинлаш бўйича якуний қарор қабул қилиш кириши, унга Қувасой шаҳар, Ю.Мўян, Суфон, Валик, Полмон, Пакана, Қўчқорчи ва Кокилон маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаролар томонидан берилган аризаларни кўриб чиқиш юклатилгани, 2025 йил 27 майдан 2025 йил 3 июнь кунига қадар Қувасой шаҳар пенсия бўлимида 2022-2025 йиллар давомида тайинланган ва шу даврларда тўлови амалга оширилган пенсиялар ўрганилганида 13 та ҳолатда жами 64.375.202,96 сўм миқдорида молиявий хато камчиликлар аниқлангани, фуқаро Э.Азимова 2024 йил 10 ноябрь куни Давлат Хизматлари Маркази орқали Қувасой шаҳар бўлимига ёшга доир пенсия тайинлашини сўраб мурожаат қилгани, унинг ушбу аризаси бўлимга келиб тушгандан сўнг уни кўриб чиқишни бошлагани, Э.Азимовага 20 йил 6 ой 0 кун иш стажи ва 4.571.870 сўм ўртача иш ҳақи билан 2024 йил 10 ноябрдан бошлаб, 2.707.888 сўм миқдорида ёшга доир пенсия тайинлангани, унинг пенсияси Президентнинг қатор фармонларига асосан оширилиб келингани, ўрганиш давомида у Э.Азимовага пенсия тайинлаш учун иш стажларини ҳисоблашда 2020 йилни ҳисобламагани аниқлангани, натижада Э.Азимовага 2024 йил 10 ноябрдан текшириш кунига қадар жами 748.656 сўм миқдорида ошиқча пенсия тўлангани, ҳозирда Э.Азимовадан ортиқча тўланган пенсия суммаси унинг пенсиясидан ушлаб қолингани, бундан ташқари, фуқаро А.Эминов 2024 йил 22 август куни Давлат Хизматлари Маркази орқали Қувасой шаҳар бўлимига имтиёзли ёшга доир пенсия тайинланишини сўраб мурожаат қилгани, унинг аризасига унга 28 йил 1 ой 17 кун умумий иш стажи ва 3.386.330 сўм ўртача иш ҳақи билан 2024 йил 22 августдан бошлаб, 2.133.388 сўм миқдорида ёшга доир пенсия тайинлангани, А.Эминовнинг пенсияси Президентнинг қатор фармонларига асосан мунтазам равишда оширилиб келингани, ўрганиш давомида А.Эминовнинг 2018-2024 йиллар давомида тўлиқ



иш кунда банд бўлмаган даврлари имтиёзли стажга ҳисоблангани аниқлангани, яъни А.Эминов 2022 йилдан 2024 йилга қадар соғлиғи бўйича таътилда бўлгани, А.Эминов ишлаган “Қувасой цемент” заводи унга А.Эминовни соғлиғи бўйича меҳнат таътилида бўлган даврларини ҳам у ишлаган деб кўрсатиб маълумотнома бериб юборгани, шу сабабдан, А.Эминовга пенсия нотўғри тайинланиб қолгани, оқибатда А.Эминовга 2024 йил 22 августдан текшириш кунига қадар жами 3.173.002 сўм миқдорида ошиқча пенсия тўлангани, ушбу камчилик бартараф этилиб, ҳозирда А.Эминовдан ортиқча тўланган пенсия суммаси унинг пенсиясидан ушлаб қолингани, фуқаро Х.Давлатшоева 2023 йил 28 февраль куни Қувасой шаҳар бўлимига имтиёзли ёшга доир пенсия тайинланишини сўраб мурожаат қилгани, унга бўлим томонидан 21 йил 3 ой 21 кун умумий иш стажи ва 1.737.081 сўм ўртача иш ҳақи билан 2023 йил 28 февралдан бошлаб, 972.765 сўм миқдорида ёшга доир пенсия тайинлангани, унинг пенсияси Президентнинг қатор фармонларига асосан мунтазам равишда оширилиб келингани, ўрганиш давомида унинг имтиёзли стажига асос қилиб олинган фуқаролик ишлари бўйича Марғилон туманлараро судининг 2023 йил 20 январдаги ҳал қилув қарорининг электрон имзоси “QR” коди орқали ўрганилганда бу қарор Х.Давлатшоевага тааллуқли эмаслиги аниқлангани, у Х.Давлатшоевага пенсия тайинланган вақтда Қувасой шаҳар пенсия бўлимида иш юритувчи бўлиб ишлагани, унга пенсия тайинлаш ишини З.Ибрагимова ва С.Мирзарасулова мутахассис ходимлар кўриб чиқишгани ҳақидаги;

- гувоҳ М.Махмудовнинг суддаги, у 2022 йил 21 июль кунидан буён жамғарманинг Қувасой шаҳар пенсия бўлимида бошлиқ лавозимида ишлашини, 2025 йил июнь оyi бошида Қувасой шаҳар пенсия бўлимида 2022-2025 йиллар давомида тайинланган ва шу даврларда тўлови амалга оширилган пенсиялар ўрганилганида, 13 ҳолатда жами 64.375.202,96 сўм миқдорида молиявий хато камчиликлар аниқлангани, фуқаро Э.Азимова 2024 йил 10 ноябрь куни бўлимга ёшга доир пенсия тайинлашини сўраб мурожаат қилгани, унга бўлим томонидан 20 йил 6 ой 0 кун иш стажи ва 4.571.870 сўм ўртача иш ҳақи билан 2024 йил 10 ноябрдан бошлаб, 2.880.278 сўм миқдорида ёшга доир пенсия тайинлангани, Э.Азимованинг пенсияси Президентнинг қатор Фармонларига асосан мунтазам равишда оширилиб келингани, ўрганиш давомида бўлим мутахассиси М.Нурахунова томонидан унинг 2020 йилдаги ишлаган иш ҳақи ҳисобланмасдан, 2020 йил ташлаб 2021 йилга ўтиб кетилгани аниқлангани, оқибатда Э.Азимовага 2024 йил 10 ноябрдан текшириш кунига қадар жами 748.656 сўм миқдорида ошиқча пенсия тўлангани, ҳозирда Э.Азимовадан ортиқча тўланган пенсия суммаси пенсиясидан ушлаб қолингани, бундан ташқари, фуқаро Х.Сиддиқова 2022 йил 10 май куни бўлимга ёшга доир пенсия тайинлашини сўраб мурожаат қилгани, унга бўлим томонидан 27 йил иш стажи ва 1.788.223 сўм ўртача иш ҳақи билан 2022 йил 12 майдан бошлаб 1.108.698,60 сўм миқдорида ёшга доир пенсия тайинлангани, унинг пенсияси Президентининг қатор фармонларига асосан мунтазам равишда оширилиб келингани, ўрганиш давомида бўлим мутахассиси Ф.Хомидова томонидан



унинг 2007 йилдаги ишлаган иш ҳақи ҳисобланмасдан, 2007 йил ташлаб 2008 йилга ўтиб кетилгани аниқлангани, натижада Ш.Сиддиқовага 2024 йил 12 майдан текшириш кунига қадар жами 849.222 сўм миқдорида ошиқча пенсия тўлангани, ҳозирда Ш.Сиддиқовадан ортиқча тўланган пенсия суммаси унинг пенсиясидан ушлаб қолингани, фуқаро А.Темирбаев 2022 йил 5 июль куни бўлимга ёшга доир пенсия тайинлашини сўраб мурожаат қилгани, унга бўлим томонидан 31 йил 9 ой иш стажи ва 1.647.392 сўм ўртача иш ҳақи билан 2022 йил 5 июлдан бошлаб 1.400.909,60 сўм миқдорида ёшга доир пенсия тайинлангани, унинг пенсияси Президентнинг қатор фармонларига асосан мунтазам равишда оширилиб келингани, ўрганиш давомида бўлим мутахассиси С.Мирзарасулова томонидан унинг 2018 йилдаги ишлаган иш ҳақи ҳисобланмасдан, 2018 йил ташлаб, 2019 йилга ўтиб кетилгани аниқлангани, натижада А.Темирбаевга 2022 йил 5 июлдан текшириш кунига қадар жами 1.460.148 сўм миқдорида ошиқча пенсия тўлангани, ҳозирда А.Темирбаевдан ортиқча тўланган пенсия суммаси унинг пенсиясидан ушлаб қолингани, фуқаро Р.Азамова 2024 йил 20 декабрь куни бўлимга ёшга доир пенсия тайинлашини сўраб мурожаат қилгани, унга бўлим томонидан 22 йил 11 ой 13 кун иш стажи ва 2.026.216 сўм ўртача иш ҳақи билан 2024 йил 20 декабрдан бошлаб 1.154.943 сўм миқдорида ёшга доир пенсия тайинлангани, унинг пенсияси Президентнинг қатор Фармонларига асосан мунтазам равишда оширилиб келингани, ўрганиш давомида бўлим мутахассиси М.Усмонжонова томонидан унинг 2011 йил декабрь ойидаги ишлаган иш ҳақи ҳисобланмасдан, 2011 йил декабрь ойини ташлаб 2012 йил январь ойига ўтиб кетилгани аниқлангани, натижада унга 2024 йил 20 декабрдан текшириш кунига қадар жами 59.574 сўм миқдорида ошиқча пенсия тўлангани, ҳозирда Р.Азамовадан ортиқча тўланган пенсия суммаси унинг пенсиясидан ушлаб қолингани, мазкур 4 нафар фуқарога пенсия тайинланишида Ўзбекистон Республикаси Пенсия тўғрисидаги қонунининг 31-моддаси талаблари бузилгани, фуқаро Х.Боюзаковага пенсия тайинлашда техник хатолик туфайли 2024 йил 27 январдан текшириш кунига қадар жами 154.111 сўм миқдорида ошиқча пенсия тўлангани, Ю.Тошпулатовага ҳам пенсия тайинлашда техник хатолик туфайли 2024 йил 29 мартдан текшириш кунига қадар жами 1.270.355 сўм миқдорида ошиқча пенсия тўлангани, пенсия тайинлаш фаолиятида “ПК-пенсия” дастури борлигини, унда фуқарога “ИК” ҳисобланиши, Х.Боюзаковага ортиқча пенсия тайинлашда ушбу дастурнинг хатолиги сабаб бўлгани, ҳозирда Х.Боюзаковадан ортиқча тўланган пенсия суммаси унинг пенсиясидан ушлаб қолингани, мазкур 2 нафар фуқарога ортиқча пенсия тайинланишига “ПК-пенсия” дастурининг хатолиги сабаб бўлгани, бунда бирор бир ходим хатоликка йўл қўймагани, фуқаро Қ.Низомова 2021 йил 26 январь куни бўлимга ёшга доир пенсия тайинлашини сўраб мурожаат қилгани, унга бўлим томонидан 24 йил 9 ой иш стажи ва 3.171.602 сўм ўртача иш ҳақи билан 2021 йил 26 январдан бошлаб асосан 1.153.597 сўм миқдорида ёшга доир пенсия тайинлангани, 2024 йилда фуқаро Қ.Низомова ногиронликка чиққани сабабли ногиронлик нафақаси олиш бўйича бўлимга ариза билан мурожаат қилгани, 2024 йил 13 июнда унга 2.121.570 сўм ногиронлик нафақаси



тайинлангани, ўрганиш давомида бўлим мутахассиси К.Юсупов томонидан Қ.Низомова 2021 йилда ёшга доир нафақага чиққан бўлса-да, у нафақага чиққандан сўнг ҳам ишлаган 2 йилини ногиронлик нафақаси тайинлашда кўшиб юборгани аниқлангани, аслида Қ.Низомова ёшга доир нафақага чиққандан сўнг ишлаган даври ногиронлик нафақасига ҳисобланмаслиги керак бўлгани, натижада Қ.Низомовага 2024 йил 13 июндан текшириш кунига қадар жами 8.434.388 сўм миқдорида ошиқча пенсия тўлангани, ҳозирда Қ.Низомовадан ортиқча тўланган пенсия суммаси унинг пенсиясидан ушлаб қолингани, фуқаро Г.Сидиков 2025 йил 12 февраль куни бўлимга ёшга доир пенсия тайинлашини сўраб мурожаат қилгани, унга бўлим томонидан 28 йил 10 ой иш стажи ва 3.199.402 сўм ўртача иш ҳақи билан 2025 йил 11 февралдан бошлаб 1.855.653 сўм миқдорида ёшга доир пенсия тайинлангани, ўрганиш давомида бўлим мутахассиси Ф.Хамидова томонидан Г.Сидиковнинг 2020 йил август ойида ишлаган иш ҳақида кўрсатилган 3.091.922 сўм ўрнига 30.911.922 сўм қилиб кўпайтириб киритиб юборилиши натижасида Г.Сидиковга 2025 йил 11 февралдан текширув кунига қадар 732.000 сўм миқдорида ошиқча пенсия тўлангани аниқлангани, ҳозирда Г.Сидиковдан ортиқча тўланган пенсия суммаси унинг пенсиясидан ушлаб қолингани, фуқаро С.Холматова 2024 йил 26 декабрь куни бўлимга ёшга доир пенсия тайинлашини сўраб мурожаат қилгани, унга бўлим томонидан 25 йил 3 ой иш стажи ва 1.514.777 сўм ўртача иш ҳақи билан 2024 йил 25 декабрь кунидан бошлаб 920.000 сўм миқдорида ёшга доир пенсия тайинлангани, ўрганиш давомида бўлим мутахассиси М.Усмонжоновна томонидан С.Холматованинг 2005-2006 йилда ишлаган иш ҳақи тўғрисида ҳеч қандай маълумотлар бўлмаса-да, у ушбу йилларда ҳам ишлагани кўрсатилиб юборилгани аниқлангани, натижада С.Холматовага 2024 йил

26 декабрдан текшириш кунига қадар жами 554.390 сўм миқдорида ошиқча пенсия тўлангани, ҳозирда С.Холматовадан ортиқча тўланган пенсия суммаси унинг пенсиясидан ушлаб қолингани, фуқаро А.Эшматова 2023 йил 13 июнь куни бўлимга ёшга доир пенсия тайинлашини сўраб мурожаат қилгани, унга бўлим томонидан 7 йил 2 ой 11 кун иш стажи ва 951.774 сўм ўртача иш ҳақи билан 2023 йил 9 майдан бошлаб 535.000 сўм миқдорида ёшга доир пенсия тайинлангани, унинг пенсияси Президентнинг қатор фармонларига асосан мунтазам равишда оширилиб келингани, ўрганиш давомида А.Эшматованинг 1991 йил март ва декабрь ойлари стажга асосиз олингани ва колхоз стажлари ишлаган кунлари бўйича олинмагани аниқлангани, натижада А.Эшматовага 2023 йил 13 июндан текшириш кунига қадар жами 1.481.604 сўм миқдорида ошиқча пенсия тўлангани, ҳозирда А.Эшматовадан ортиқча тўланган пенсия суммаси унинг пенсиясидан ушлаб қолингани, фуқаро А.Эминов 2024 йил 22 август куни бўлимга имтиёзли шартлар асосида муддатидан олдин ёшга доир пенсия тайинлашини сўраб мурожаат қилгани, унга бўлим томонидан 28 йил 1 ой 17 кун умумий иш стажи (шундан 6 йил 19 куни имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи касбларда ишлаган) ва 3.386.330 сўм ўртача иш ҳақи билан 2024 йил 22 августдан бошлаб 2.133.388 сўм миқдорида ёшга доир



пенсия тайинлангани, унинг пенсияси Президентнинг катор фармонларига асосан мунтазам равишда оширилиб келингани, ўрганиш давомида А.Эминовнинг 2018-2024 йиллар давомида тўлиқ иш кунида банд бўлмаган даврлари имтиёзли стажга қўшиб ҳисоблангани аниқлангани, яъни А.Эминов 2022

йилдан 2024 йилга қадар соғлиғи бўйича таътилда бўлгани, унинг ушбу таътил вақти имтиёзли пенсия тайинлашда ҳисобга олинмаслиги керак бўлгани, натижада А.Эминовга 2024 йил 22 августдан текшириш кунига қадар жами 3.173.002 сўм миқдорида ошиқча пенсия тўлангани, ҳозирда А.Эминовдан ортиқча тўланган пенсия суммаси унинг пенсиясидан ушлаб қолингани ҳақидаги;

- гувоҳ И.Ғаниевнинг суддаги, Х.Давлатшоева қариндоши бўлиши, 2022 йил ноябрь ойида Х.Давлатшоева олдига келиб, 1996 йилдан 2004 йилга қадар Қувасой шаҳар юқумли касалликлар шифохонасида кичик тиббий ходим санитарка бўлиб, 2004 йилдан 2014 йилга қадар Фарғона шаҳрида жойлашган “Мурувват уйи”да энага бўлиб ишлагани, ушбу лавозимлар имтиёзли шартлар асосида муддатидан олдин пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи лавозимлар экани, Қувасой шаҳар пенсия бўлимига муддатидан олдин пенсияга чиқиш мақсадида мурожаат қилгани, лекин пенсия бўлими ходимлари унга муддатидан олдин пенсияга чиқа олмаслигини, бунинг учун фуқаролик судига мурожаат қилиши ёки пенсия ёшига етган вақтида қайта мурожаат қилиши мумкинлигини айтганликларини айтиб, ундан ёрдам беришини сўрагани, у бунга рози бўлиб, Фарғона вилояти пенсия бошқармасида ишловчи таниши Р.Солиев билан гаплашиб кўришини айтгани, Х.Давлатшоева пенсияга чиқиш учун тўплаган ҳужжатларини унга ташлаб кетгани, у ушбу ҳужжатларни Р.Солиевга кўрсатгани, Р.Солиев унга Х.Давлатшоева муддатидан олдин пенсияга чиқиши мумкин экани, фақат бунинг учун унинг номидан фуқаролик судига ариза бериш кераклигини, фуқаролик судининг ҳал қилув қарори билан Х.Давлатшоевага муддатидан олдин пенсия тайинланишини, Х.Давлатшоеванинг номидан ўзи фуқаролик судига ариза бериб кўйишини айтгани, 2022 йил 8 декабрь куни Р.Солиев унга қўнғироқ қилиб, Х.Давлатшоевани судга чақириб қолишлари мумкинлигини айтгани, у бу ҳақида Х.Давлатшоевага ҳам айтгани, лекин Х.Давлатшоевани ҳеч ким судга чақирмагани, 2025 йил баҳор ойларида Р.Солиев унга қўнғироқ қилиб, Х.Давлатшоеванинг фойдасида ҳал қилув қарори чиққани, суд ушбу қарорни Қувасой шаҳар пенсия бўлимига бериб юборгани, Х.Давлатшоева Қувасой шаҳар пенсия бўлимига бориб учраши кераклигини айтгани, шундан сўнг Х.Давлатшоевага пенсия тайинланиб у пенсия ола бошлагани, 2025 йил июнь ойи бошларида Х.Давлатшоева унга қўнғироқ қилиб, унга пенсия тайинлашга асос бўлган ҳал қилув қарори сохта экани аниқлангани, унга 36.000.000 сўм моддий зарар чиқарилгани, пенсияси тўхтатиб қўйилганини айтгани, сўнг мен Р.Солиевга қўнғироқ қилиб, бўлган ҳолат ҳақида ундан сўрагани, Р.Солиев унга ҳал қилув қарорини чиқарган фуқаролик ишлари бўйича Марғилон туманлараро судининг қарорига “QR” кодини қўймасдан хато қилиб, ушбу қарорни почта орқали Қувасой шаҳар пенсия бўлимига бериб юборгани, ушбу судья бир нечта шундай қарорларни ҳам хато қилиб чиқаргани, ҳозирда у қочиб



кетгани, Х.Давлатшоеванинг барча ҳужжатлари муддатидан олдин пенсияга чиқиши учун етарли ва тўғри экани, бунинг учун унинг ўзи маъмурий судга бериб Х.Давлатшоеванинг пенсия ишини тўғрилаб беришини айтгани, Р.Солиевга ушбу ишда ёрдам бериши учун пул ёки бошқа тарздаги манфаатлар бермагани, Р.Солиев суднинг ҳал қилув қарорини сохта қилиб бериб юборганини билмагани, бу ҳақида Р.Солиев ёки бошқа бирор ким унга айтмагани ҳақидаги;

- гувоҳ Ш.Ориповнинг видеоконференц-алоқа режими орқали суддаги, у жамғарманинг Фарғона вилоят бошқармаси ички назорат, пенсия ва бошқа тўловларни тайинлаш мониторинги шўъбаси мудир лавозимида 2023 йил 1 ноябрь кунидан буён ишлашини, жамғарманинг Тошлоқ тумани бўлимида 2021-2024 йиллар давомида тайинланган, қайта ҳисобланган ва шу даврларда тўлови амалга оширилган пенсия ишларини тўғри тайинлангани ҳолати юзасидан текшириш ўтказилгани, текширувда 23 та фуқарога жами 827.348.053 сўм миқдорида ортиқча тўловлар амалга оширилгани аниқлангани, ушбу ҳолатларда фуқароларга имтиёзли равишда пенсия тайинлаш учун асослар мавжуд бўлмагани, ҳозирда етказилган зарарларни фуқаролардан ундириш чоралари қўрилаётгани ҳақидаги;

- гувоҳ Д.Абдурахмоновнинг видеоконференц-алоқа режими орқали суддаги, у 2024 сентябрь ойдан буён Давлат молиявий назорат инспекцияси Фарғона вилоят бошқармаси бош тафтишчиси лавозимида ишлашини, Марғилон шаҳар прокуратурасининг 2025 йил 31 майдаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Тошлоқ, Қўштепа туман ҳамда Марғилон шаҳар бўлимида ҳужжатли тафтиш ўтказиш тўғрисидаги қарорига асосан Марғилон шаҳар, Қўштепа ва Тошлоқ туман бўлимларининг 2023 йил 1 январдан 2025 йил 1 майгача бўлган даврдаги молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган тафтишда жами 1.701.049,700 сўмлик молиявий хато камчиликлар, жами 216.749.700 сўмлик ортиқча тўловларга йўл қўйилгани аниқлангани, Марғилон шаҳар бўлимида 2022-2025 йилларда тайинланган, қайта ҳисобланган ва шу даврларда тўлови амалга оширилган пенсия ишларини тўғри тайинлангани ўрганилганда 1 та ҳолатда 7.280.900 сўм миқдорида ортиқча тўловларга йўл қўйилгани аниқлангани, шунингдек, Қўштепа туман бўлимида 2022-2025 йилларда тайинланган, қайта ҳисобланган ва шу даврларда тўлови амалга оширилган пенсия ишларини тўғри тайинлангани ўрганилганда 11 та ҳолатда 103.471.000 сўм миқдорида ортиқча тўловларга йўл қўйилгани аниқлангани, юқоридаги ҳолатларда, Қўштепа туман бўлимида бўлим бошлиғи лавозимида 2023 йил 22 августдан 2025 йил 23 январь кунига қадар ҳамда Марғилон шаҳар бўлимида бўлим бошлиғи лавозимида 2025 йил 23 январь кунидан 2025 йил 21 апрель кунига қадар Р.Солиев ишлагани, Қўштепа туман ва Марғилон шаҳридаги ортиқча тўлов ҳолатларини келиб чиқишига фуқароларнинг иш ҳақи, иш стажи ва бошқа пенсия тайинлаш учун асос бўладиган ҳужжатларда акс этмаган сохта маълумотлар киритилиши сабаб бўлган ҳақидаги;

- гувоҳ Б.Қосимовнинг видеоконференц-алоқа режими орқали суддаги, у 2011 йилдан буён Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг турли



лавозимларида ишлагани, жамғарманинг вилояти бошқармаси томонидан Тошлоқ тумани бўлимида 2021-2024 йилларда тайинланган, қайта ҳисобланган ва шу даврларда тўлови амалга оширилган пенсия ишлари тўғри тайинлангани ҳолати юзасидан текшириш ўтказилган, мазкур текширишда 23 та ҳолатда 827.348.053 сўм миқдоридан ортиқча тўловларга йўл қўйилгани аниқлангани, ушбу 23 нафар фуқароларга имтиёзли равишда пенсия тайинлаш учун асос бўладиган ҳужжатлар етарли бўлмагани ҳақидаги;

- шунингдек, 2025 йил 21 июлдаги ҳужжатли тафтиш хулосаси (2-жилд и.в. 244-330, 3-жилд и.в. 1-119), 2025 йил 21 июлдаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Марғилон шаҳар бўлимида ўтказилган ҳужжатли тафтиш юзасидан жамланма далолатнома ва унга илова ҳужжатлар (2-жилд и.в. 254-320), 2025 йил 21 июлдаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Қўштепа туман бўлимида ўтказилган ҳужжатли тафтиш юзасидан жамланма далолатнома ва унга илова ҳужжатлар (2-жилд и.в. 321-330, 3-жилд и.в. 1-55), 2025 йил 21 июлдаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Тошлоқ туман бўлимида ўтказилган ҳужжатли тафтиш юзасидан жамланма далолатнома ва унга

илова ҳужжатлар (3-жилд и.в. 56-138), 2025 йил 18 июлдаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Қўштепа туман бўлимида ўтказилган текшириш маълумотномаси (3-жилд и.в. 139-168), 2025 йил 30 июлдаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Тошлоқ туман бўлимида ўтказилган текшириш маълумотномаси (3-жилд и.в. 169-184), 2025 йил 30 июлдаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Марғилон шаҳар бўлимида ўтказилган текшириш маълумотномаси (3-жилд и.в. 185-119), Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро этувчи аппарати томонидан тасдиқланган лавозим йўриқномаси ҳужжатлари (3-жилд и.в.

200-220), Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Марғилон шаҳар, Қўштепа ва Тошлоқ туманларида ўтказилган ўрганишларда аниқланган хато ва камчиликлар тўғрисидаги жадвал (4-жилд и.в. 4-9), алоҳида топшириқ ижроси юзасидан

2025 йил 22 августдаги 55/33-2562-сонли маълумотлар ва илова жадвал ҳужжатлар (44-жилд и.в. 10-16) ҳамда судда текширилган ишончга сазовор бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топган.

Суд, судланувчи Р.Солиевнинг жинойий қилмишларини квалификация масаласини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Р.Солиевнинг мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, компьютер техникаси воситаларидан фойдаланган ҳолда жуда кўп миқдордаги 1.349.945.355,99 сўм давлат пенсия жамғармаси маблағларини растрата қилиш йўли билан талон-торож қилганликдан иборат ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а,г” бандлари билан, мансаб мавқеидан фойдаланиб, 10 нафар фуқароларнинг 3.800.000 сўм маблағларини алдаш йўли билан қўлга киритганликдан иборат ҳаракатлари ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б,в” бандлари билан, мансаб ваколати доирасидан четга чиқиб, давлат пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан асоссиз пенсия ҳисоблаб, давлат



манфаатларига 647.639.800 сўмлик жуда кўп миқдорда зарар етказганликдан иборат ҳаракатлари ЖКнинг 206-моддаси 2-қисми “а” банди билан, пенсия олиш ҳуқуқини берадиган расмий ҳужжатларга ўз жиноий қилмишларини яшириш мақсадида такроран сохта маълумотлар киритиб, давлат ва жамоат манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказганликдан иборат ҳаракатлари ЖКнинг 209-моддаси 2-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди, бироқ қуйидаги асосларга кўра, унинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “а” банди ва 228-моддаси 3-қисми билан нотўғри квалификация қилинган ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги 4-сонли “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги қарорининг 8-бандига кўра, агар мансабдор шахс ўзи содир этган талон-торож жиноятини енгиллаштириш ёки яшириш мақсадида расмий ҳужжатларга била туриб ёлғон маълумотлар ва ёзувлар киритган бўлса, унинг қилмиши тегишлича ЖК 167 ва 209-моддаларида ёки ЖК 167 ва 228-моддаларида назарда тутилган жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши кераклиги, агар мансаб сохтакорлиги мансабдорлик жиноятининг субъекти бўлмаган бошқа шахслар билан иштирокчиликда содир этилган бўлса, бундай иштирокчиларнинг ҳаракатлари, башарти улар талон-торож жинояти иштирокчиси бўлмаса, ЖКнинг 228-моддаси билан эмас, балки мазкур Кодекснинг 28, 209-моддалари билан квалификация қилиниши кераклиги ҳақида раҳбарий тушунтириш берилган.

Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг 2016 йил 12 февралдаги 11-76-сонли “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексларининг нормаларини амалиётда тўғри қўллаш ва ижросини бир хилда таъминлаш юзасидан” қўшма кўрсатманинг 3.4-бандига кўра, ЖКнинг 209-моддасида назарда тутилган жиноятларни содир этганлиги учун айблов эълон қилинган ёки ҳукм қилиниб, жазони ўтаб бўлмаган шахслар янги қонунга кўра давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахси ҳисобланмаса, уларнинг ҳаракатлари ЖКнинг 228-моддаси тегишли қисмига ЖКнинг 13-моддасига риоя этган ҳолда қайта малакаланиши қайд этилган.

Шу сабабли, Р.Солиевга нисбатан мансабдор шахс бўлгани ҳолда ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “а” банди ва 228-моддаси 3-қисми билан қўйилган айблов ЖКнинг 209-моддаси 2-қисми “а” банди билан қамраб олингани сабабли, Р.Солиевнинг ҳаракатларидан ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “а” банди ва 228-моддаси 3-қисмини чиқариб ташлаш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги қайд этилган.



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг:

- 1-бандида, судлар жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилиниши лозимлиги;

- 3-бандида, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятни хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида раҳбарий тушунтириш берилган.

Судланувчи Р.Солиевга жазо тайинлашда, ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган қасдан ноқонуний наф кўришдек ғараз ниятларда жиноят содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида қилмишидан пушаймонлиги, оилавий шароити, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари борлигини, муқаддам судланмаганини, етказилган зарар қисман қопланганини эътироф этиб, ўз мансаб вазифасидан бевосита фойдаланиб жиноят содир этганлигини ҳисобга олиб, унга нисбатан айбланган моддалар санкциясида альтернатив жазолар мавжудлиги сабабли ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а,г” бандлари билан ЖКнинг 45-моддаси қўллаб, озодликдан маҳрум қилиш жазоси; 168-моддаси 3-қисми “б,в” банди билан ЖКнинг 45-моддаси қўллаб, ахлоқ тузатиш ишлари жазоси; 206-моддаси 2-қисми “а” банди билан ЖКнинг 45-моддаси қўллаб, озодликдан маҳрум қилиш жазоси; 209-моддаси 2-қисми “а” банди билан ЖКнинг 45-моддаси қўллаб, озодликдан маҳрум қилиш жазоси; ЖКнинг 59-моддаси 3-қисми ва 61-моддаси тартибида тайинланган асосий ва қўшимча жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил давлат иштирокидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда мансабдорлик лавозими ва моддий жавобгарлик юклатилган вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни лозим топади.

Суд, иш бўйича етказилган зарарни ундириш масаласини ҳал қилиб, жиноят ишида тўпланган ва судда текширилган ҳолатларга асосланган ҳолда, иш бўйича етказилган Р.Солиев томонидан талон-торож қилингани ва у томонидан растрата йўли билан талон-торож қилингани суд мажлисида текширилган далиллар билан ўз исботини топгани сабабли етказилган зарарни қопланмаган 902.481.889 сўм қисмини судланувчи Р.Солиевдан ундиришни, Фарғона вилоят прокуратурасининг “Ипотека-банк” АТИБ Фарғона вилоят филиалида сақланаётган Л.Назарова томонидан топширилган 711.301 сўм, М.Шерназарова томонидан топширилган 8.800.000 сўм, Д.Фозилова томонидан топширилган 11.638.000 сўм, О.Бозорова томонидан топширилган 6.551.873 сўм миқдоридagi пулларни Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Фарғона вилояти бошқармаси ҳисоб рақамига ўтказишни, Р.Солиевнинг яқин қариндошлари томонидан Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти Фарғона вилояти ҳудудий бўлимининг “Алоқа банк” Фарғона филиалидаги



депозит ҳисоб рақамига тўланган 3.800.000 сўм пулларни 10 нафар жабрланувчига тегишлилигига кўра топширишни, лозим топади.

Иш бўйича ёзма далиллар деб эътироф этилган ҳужжатларни иш ҳужжатларига қўшилганини инобатга олиш лозим топилди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Судланувчи Солиев Рауфжон Расулович (Soliyev Raufjon Rasulovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а,г” бандлари, 168-моддаси 3-қисми “б,в” бандлари, 206-моддаси 2-қисми “а” банди, 209-моддаси 2-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин.

Р.Солиевга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а,г” бандлари билан ЖКнинг 45-моддаси қўлланиб, 2 (икки) йил муддатга давлат иштирокидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда мансабдорлик лавозими ва моддий жавобгарлик юклатилган вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 5 (беш) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси;

- 168-моддаси 3-қисми “б,в” банди билан ЖКнинг 45-моддаси қўлланиб, 1 (бир) йил муддатга давлат иштирокидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда мансабдорлик лавозими ва моддий жавобгарлик юклатилган вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил 6 (олти) ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси;

- 206-моддаси 2-қисми “а” банди билан ЖКнинг 45-моддаси қўлланиб, 1 (бир) йил муддатга давлат иштирокидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда мансабдорлик лавозими ва моддий жавобгарлик юклатилган вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 1 (бир) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси;

- 209-моддаси 2-қисми “а” банди билан ЖКнинг 45-моддаси қўлланиб, 1 (бир) йил муддатга давлат иштирокидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда мансабдорлик лавозими ва моддий жавобгарлик юклатилган вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 1 (бир) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси;

Р.Солиевга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 3-қисми ва 61-моддаси тартибида тайинланган асосий ва қўшимча жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 3 (уч) йил муддатга давлат иштирокидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда мансабдорлик лавозими ва моддий жавобгарлик юклатилган вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 6 (олти) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазо умумий тартибли колонияларда ўташи белгилансин.

Жазо ўташ муддати 2025 йил 11 август кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Р.Солиевга нисбатан қўлланилган “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргунига қадар ўзгаришсиз қолдирилсин.



Судланувчи Р.Солиевдан фуқаровий даъвогар Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Фарғона вилояти бошқармаси фойдасига қопланмаган 902.481.889 сўм моддий зарар ундирилсин.

Иш бўйича етказилган зарарни қоплаш учун топширилиб, Фарғона вилоят прокуратурасининг “Ипотека-банк” АТИБ Фарғона вилоят филиалида сақланаётган Л.Назарова томонидан топширилган 711.301 сўм, М.Шерназарова томонидан топширилган 8.800.000 сўм, Д.Фозилова томонидан топширилган 11.638.000 сўм, О.Бозорова томонидан топширилган 6.551.873 сўм миқдоридаги пуллар Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Фарғона вилояти бошқармаси ҳисоб рақамига ўтказилсин.

Етказилган зарарни қоплаш учун Р.Солиевнинг яқин қариндошлари томонидан Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти Фарғона вилояти ҳудудий бўлимининг “Алоқа банк” Фарғона филиалидаги депозит ҳисоб рақамига тўланган 3.800.000 сўм пулларнинг 340.000 сўми Я.Ахмадалиевга, 340.000 сўми А.Маматқуловга, 340.000 сўми Р.Матёқубовга, 340.000 сўми З.Тургуновга, 600.000 сўми А.Маллабоевга, 500.000 сўми Д.Шералиевга, 340.000 сўми С.Косимовга, 340.000 сўми Р.Ашуровга, 320.000 сўми А.Аскароровга, 340.000 сўми М.Холматовга топширилсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган, фуқаролик ишлари бўйича Марғилон туманлараро судининг 2023 йил 20 январдаги 2-1504-2301/78-сонли ҳал қилув қарори, 2025 йил 21 июлдаги ҳужжатли тафтиш хулосаси, 2025 йил 21 июлдаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Марғилон шаҳар бўлимида ўтказилган ҳужжатли тафтиш юзасидан жамланма далолатнома ва унга илова ҳужжатлар, 2025 йил 21 июлдаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Қўштепа туман бўлимида ўтказилган ҳужжатли тафтиш юзасидан жамланма далолатнома ва унга илова ҳужжатлар, 2025 йил 21 июлдаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Тошлоқ туман бўлимида ўтказилган ҳужжатли тафтиш юзасидан жамланма далолатнома ва унга илова ҳужжатлар, 2025 йил 18 июлдаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Қўштепа туман бўлимида ўтказилган текшириш маълумотномаси, 2025 йил 30 июлдаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Қўштепа туман бўлимида ўтказилган текшириш маълумотномаси, 2025 йил 30 июлдаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Тошлоқ туман бўлимида ўтказилган текшириш маълумотномаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро этувчи аппарати томонидан тасдиқланган лавозим йўриқномаси ҳужжатлари, Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Марғилон шаҳар, Қўштепа ва Тошлоқ туманларида ўтказилган ўрганишларда аниқланган хато ва камчиликлар тўғрисидаги жадвал маълумот, алоҳида топшириқ ижроси юзасидан 2025 йил 22 августдаги 55/33-2562-сонли маълумотлар ва илова жадвал ҳужжатлар жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва фуқаровий даъвогар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг кассация тартибида шу суд орқали Фарғона вилоят судига протест ёки шикоят келтириш ҳуқуқига эга.



Раислик қилувчи
М.Мирзобоев

/имзо/

Нусхаси аслига тўғри
Маъсул судья: Мирзобоев Миродил Минавварович

М.Мирзобоев



Хужжат имзоланган: Мирзобоев Миродил Минавварович, 08.07.2026

